

**ДАЛА ПЕЧАГИ ЭКСТРАКТИНИ САҚЛОВЧИ ГИДРОГЕЛНИНГ ТЕРМИК
КҮЙИШ ЖАРОХАТЛАРИДА РЕГЕНЕРАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ**

Якубова Умида Баҳтияровна

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали

Аннотация: Мақолада илмий тадқиқотлар натижасида дала печаги ўсимлигининг күйиши жарохатларида регенерацион хусусиятлари хақида батафсил маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Доривор ўсимлик, flavonoidlar, ibuprofen, термик жароҳат, алколоидлар.

Аннотация: В статье приведены подробные сведения о регенеративных свойствах растения вьюнок полевой при ожоговых ранах в результате научных исследований.

Ключевые слова: Лекарственное растение, flavonoids, ibuprofen, термическая травма, алкалоиды.

Abstract: The article provides detailed information about the regenerative properties of the ivy plant in burn wounds as a result of scientific research.

Key words: Herbal plant, flavonoids, ibuprofen, thermal injury, alkaloids.

Доривор ўсимликларнинг организмга таъсири унинг таркибидаги кимёвий бирикмаларнинг микдорига боғлиқ. Бу бирикмалар ўсимликнинг қисмларида турли микдорда тўпланади. Доривор моддалар баъзи ўсимликларнинг куртаги, барги ёки мевасида, баъзиларида илдизи ёки пўстлоғида тўпланади. Шу боис ўсимликларнинг асосан биологик фаол моддалари кўп бўлган қисми йигиб олинади.

Шулардан дала печаги ўсимлиги печакгулдошлар оиласидан бўлиб, ер бағирлаб ёки чирмашиб ўсуви, поясининг узунлиги 40-100 см га етадиган кўп йиллик бегона ўтдири. Барглари ёйсимон, найзасимон ўткир учлидир. Дала печаги март-апрель ойдарида қўкаради. Март-август ойларида гуллайди. Гули ок ёки пушти рангда, карнайсимон бўлади. Меваси июнь-сентябрь ойларида пишади. Мевасининг ташқи кўриниши кенг тухумсимон, туксиз узунлиги 6-8 мм. Дала печаги суғориладиган ерларда кўп ўсади. У республикамизнинг хамма жойида тарқалган. Ўсимликдан дори воситалари тайёрлаш мақсадида ўсимликнинг ер устки қисми йигилади, соя-салқин жойда қуритилади.

Ўсимликнинг ер устки қисмлари таркибида flavonoidлар, кофе кислотаси, каротин, С витамины, смолалар ва бир қанча алкалоидлар бор. Ушбу ўсимликдан кўп микдорда дори препаратлари тайёрланади. Доривор ўсимликлар инсониятга жуда қадим замонлардан маълум бўлган. Ўсимликлардан нафақат озиқ-овқат, балким биологик фаол моддалар манбаи сифатида кенг фойдаланилган. Шифобаҳш ўсимликлар захарли эмас, ёки кам захарли асосийси асорат қолдирмайди, улар таркибидаги биологик

фаол моддалар кўп ва инсон организмига узоқ вақт даволовчи таъсирини ўтказиб туради. Ҳозирги кунда фармацевтика корхонадарида ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг 50% и доривор ўсимликлар хом-ашёсидан тайёрланмоқда. Доривор ўсимликлар бизни ўраб турган табиатда мавжуд ва уни йифиб олиш қийинчилик туғдирмайди. Ўсимликнинг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатма билан яралар кўкарган соҳалар ювилган. Бундан ташқари қайнатмани темиратки ва қўтирга қарши дори қилиб ишлатилган. Баргидан тайёрланган порошок яралар ва турли жароҳатлар устига сепилади. Ўсимликнинг илдиз қисмida сапонинлар, алколоидлар ва танинлар мавжуд. Аколоидлар 0,23 %. Ўсимлик барглари витаминлардан витамин С, флавоноидлар, уруғи алколоидлар, липидлар 7,8 % сақлайди.

Тадқиқот мақсади. Дала печаги экстрактини сақловчи гидрогелни термик куйиш жароҳатларида ибупрофен билан солиширган холда самарадорлигини ўрганиш.

Куйиш жароҳатларнинг энг кўп тарқалган турларидан бири бўлиб, жароҳатларнинг умумий структурасида 2-3 ўринларни эгаллайди. Термик шикастланишлар 5 дан 12% гача юқори частотада содир бўлади.

Ҳозирги вақтда шифокорлар арсеналида регенерация ва реператив хусусиятларига эга бўлган дори-дармонларнинг катта танлови мавжуд [2; 89]. Бирок, уларнинг ҳеч бири универсал эмас ва уларнинг самарадорлиги оптималдан узоқдир. Бу куйиш жароҳатларини даволашда янги дори воситаларини излаш ва ишлаб чиқиш зарурлигини тақозо этади [3; 120].

Материаллар ва тадқиқот усуллари.

Тажрибадан бир кун олдин каламушнинг орқа юзаси (4x4 см) депиляция қилинади. Депиляцияга қулайлик яратиш мақсадида тери остига 8-10 мг 0,9% ли натрий хлорид эритмаси киритилади. Шу билан бирга тери чўзилади ва депиляция пайтида шикастланмайди. Бир кун ўтгач электропояльник учига ўрнатилган 250⁰ гача қиздирилган мис пластинка ёрдамида термик куйиш қилинади. (3,3x3,3 см) 10 см² сатҳда 20 секунд. Куйиш яраси шакли квадрат шаклда эди.

Бунда куйиш клиник таснифи бўйича III A ва III B даражали куйиш кузатилади. Тажриба натижалари куйиш натижасида келиб чиқсан тери жароҳатининг тўлик тиклангунгача кузатиб борилади. Яра юзасининг холати атрофидаги тўқималарнинг холати ва эпителизацияси вақти қайд қилинади.

Шуни ҳисобга олиш керакки, тананинг термик шикастланишга бўлган реакцияси эркин радикал жараёнларнинг фаоллашиши ва турли органларда липид пероксидацисининг кучайишини ўз ичига олади ва натижада пайдо бўлган арахидон кислотаси яллиғланиш жараёнининг асосий воситачилари простагландинларнинг ўтмишдоши ҳисобланади [9; 286 с].


Ушбу вазиятни ҳисобга олган холда, юқори яллиғланишга қарши фаолликка эга бўлган дала печаги экстрактини ўз ичига олган гель термик жароҳатларни даволашда муҳим патогенетик восита бўлиши мумкин, деб тахмин қилиш мумкин. Юқорида

айтилғанлар дала печаги экстрактини ўз ичига олган гелнинг термик шикастланиш жараёнига таъсирини ўрганиш учун алоҳида бир қатор тажрибалар ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилди, натижалари куйида келтирилган. Юқори яллиғланишга қарши фаоллигига эга бўлган дала печаги экстрактини сақловчи гель термик жароҳатларни даволашда муҳим патогенетик восита бўлишини тахмин қилиш мумкин. [5; 645 с].

Олингандар натижалар ва уларнинг таҳлили. Термик жароҳат чақирилган каламушларда ўтказилган экспериментал тадқиқотнинг натижалари таҳлили шуни кўрсатдики, грануляцион тўқима ҳосил бўлиши ва эпителизация 11-12-кундан бошланган. Шу билан бирга, назорат каламушларида жароҳат ҳосил қилингандан сўнг қорақўтирлар юзага келди, улар тажрибанинг биринчи ойи охирига келиб мустақил равишда тушиб кетди, заарланган терининг тўлиқ битиши ва терининг туклар билан қопланиши тажриба бошидан ўртача 75-куни кузатилди. Ўрганилган воситаларни сақловчи геллар билан каламуш терисининг куйиши юзасини кундалик даволаш яранинг битишини тезлашишига сабаб бўлди. Шундай қилиб, дала печаги экстрактини сақловчи гель билан ишлов берилган каламуш гурухидаги қорақўтирни йўқолиш вақти деярли икки мартаға (48,5%), ибупрофен билан даволангандага эса 22,3% га қисқарди. Шу билан бирга, ибупрофен гелида жароҳатларнинг тўлиқ битиши 22,3% га, таркибида дала печаги экстракти бўлган гель билан даволангандага эса 39,1% га камайди.

Дори воситаларининг ярани даволашда самарадорлиги, эҳтимол, нафақат гель таркибидаги биологик фаол моддалар, балки шакллантирувчи моддаларни ташкил этувчи таркибий қисмларга ҳам боғлиқ деб ҳисоблаш мантиқан тўғри. Ушбу вазиятни аниқлаштириш учун ушбу тажрибалар серияси даражаси ва майдони бўйича ўхшаш термик жароҳат олган, аммо дорисиз гель плацебо билан даволашган каламушлар гурухини ўз ичига олди.

Каламушларда дала печаги экстрактини сақловчи 5% ли гель ва 5%ли ибупрофен гелларининг термик куйиши натижасида келиб чиққан жароҳат битишига таъсирини солиштириб ўрганиш



Маълумотлардан қўриниб турибдики, плацебо гуруҳи билан таққослаганда, дала печаги экстрактини ўз ичига олган гель билан даволаш қилинган каламушларда қорақўтири тушиш муддати 46,0% га, ибупрофенда эса 18,8% га қисқарди. Шу билан бирга, жароҳатларнинг тўлиқ даволаниши 10% га, дала печаги экстракти бўлган гель билан даволанган гуруҳда эса 29,5% га камайди. Бинобарин, қўлланилган дорилар, гель шаклида маҳаллий равишда қўлланилганда, термик шикастланиш жараёнига бир томонлама ижобий таъсир кўрсатади, бу қорақўтири тушиш вақтини қисқартириш ва куйган яраларни тўлиқ даволашда намоён бўлади. Шуниси эътиборга лойиқки, дала печаги экстракти бўлган гель ўзининг фармакологик фаоллиги бўйича ибупрофенни ўз ичига олган гелдан бироз устундир.

Хулоса

1. Кўриниб турибдики, дала печаги экстрактини сақловчи гель термик куйиш натижасида хосил бўлган жароҳат битишига ижобий таъсир кўрсатди. Бу қорақўтири тушиши кунининг қисқаришида, қуйиш жароҳатларининг тўлиқ даволаниш муддатида намоён бўлди.
2. Яллиғанишга қарши фаоллигига эга бўлган дала печаги экстрактини сақловчи гель термик жароҳатларни даволашда муҳим патогенетик восита хисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Khakimov, Z., Rakhmanov, A. K., Yakubova, U. B., & Shukurlaev, K. S. (2021). Experimental substantiation of anti-inflammatory activity of a gel containing *Convolvulus arvensis* extract in carrageenan-induced aseptic arthritis. *National Journal of Physiology, Pharmacy and Pharmacology*, 11(6), 645-645.
2. Шукурлаев, К. Ш., Якубова, У. Б., & Кутлиева, Ф. А. (2023). ВЫЮНОК ПОЛЕВОЙ-ЛЕЧЕБНЫЕ СВОЙСТВА И ПРИМЕНЕНИЕ В МЕДИЦИНЕ. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 18(4), 88-95.
3. Якубова У. Б. и др. ДАЛА ПЕЧАГИ ЭКСТРАКТИНИ САҚЛОВЧИ ГИДРОГЕЛНИНГ АНТИЭКССУДАТИВ ТАЪСИРИ //TADQIQOTLAR. – 2023. – Т. 27. – №. 4. – С. 120-126.
4. Bahtiyarovna Y. U. THE IMPORTANCE OF FIELD BINDWEED IN FOLK MEDICINE //JOURNAL OF BIOMEDICINE AND PRACTICE. – 2023. – Т. 8. – №. 2.
5. Шукурлаев К. Ш., Якубова У. Б. ВЛИЯНИЕ ВЫЮНКА ПОЛЕВОГО-*CONVOLVULUS ARVENSIS* L НА ТЕЧЕНИЕ АДЬЮВАНТНОГО АРТРИТА У БЕЛЫХ КРЫС ПРИ НАРУЖНОМ ПРИМЕНЕНИИ.
6. Якубова У. Б., Мискинова Ф. Х. АНТИФЛОГИСТИЧЕСКАЯ АКТИВНОСТЬ И ПОБОЧНЫЕ ДЕЙСТВИЯ НЕКОТОРЫХ НЕСТЕРОИДНЫХ

ПРОТИВОВОСПАЛИТЕЛЬНЫХ СРЕДСТВ //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 35-42.

7. Якубова У. Б. ФАРМАКОЛОГИЧЕСКОЕ ИЗУЧЕНИЕ ГЕЛЯ СОДЕРЖАЩИЙ ЭКСТРАКТ ВЬЮНКА ПОЛЕВОГО–CONVOLVULUS ARVENSIS //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 7. – С. 238-246.

8. Якубова У. Б. ВЛИЯНИЕ ГИДРОГЕЛЯ ЭКСТРАКТА ВЬЮНКА ПОЛЕВОГО НА ТЕЧЕНИЕ ВОСПАЛЕНИЯ ИНДУЦИРОВАННОГО ФОРМАЛИНОМ //PHARMACOTHERAPY OF PARKINSON'S DISEASE. – С. 654.

9. Хакимов З.З., Рахманов А.Х., Якубова У.Б. Эффективность геля, содержащего экстракт *Convolvulus arvensis*, в лечении ожоговых ран.// Инфекция, иммунитет и фармакология.-2021. №5-С. 284-290.